

Ўзбекистон Республикаси Президенти амалий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 12-14 октябрь кунлари Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларида иштирок этиш учун ташриф билан Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлади.

13 октябрь куни бўлиб ўтадиган юқори даражадаги халқаро форум – Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида қитъамиздаги ҳавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

14 октябрь кунига режалаштирилган МДҲ мамлакатлари етакчиларининг учрашувида кўп томонлама шерикликнинг энг муҳим жиҳатлари ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Бўлажак тадбирларда алоҳида эътибор ўзаро савдони кўпайтириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, самарали транспорт коммуникацияларини шакллантириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалаларига қаратилади.

Бундан ташқари, саммитлар доирасида Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама музокаралар ўтказади.

Манба